



ТҮРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1994 йил 8 октябрь • Шанба • № 79 (14240)

ترکستان



TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

Ислом КАРИМОВ: ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ— ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ГАРОВИ



Республика Президенти Ислом Каримовнинг Фаргона водийси бўйлаб сафари низоҳатга етди. Давлатимиз раҳбари уч кун мобайнида Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларида халқ ҳўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар ва лавжуд камчиликлар, иқтисодий ислохотнинг бориши, унинг самаралари билан яқиндан танишди.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг дастлабки босқичи низоҳатга етди. Қиска фурсатда давлат бошқаруви тизими ўзгарди, ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқарувчи маҳалла кўмиталари ташкил қилинди. Иқтисодий йўналишда эса эркин нарх сисмати амалда таъбиқ этила бошланди, ҳўжаликларга иқтисодий эркинлик берилди. Бу йўлдаги ғовлар бирин-кетин олиб ташланмоқда. Бугунги кунга келиб ислохотнинг илк натижалари кўрина бошлади.

Республика Президентининг шу йил 21 январдаги машҳур Фармони мамлакатда иқтисодий ислохотнинг иккинчи босқичи бошланганидан далолат берди. Ислом Каримов Андижон, Наманган, Фаргона вилоятлари фаоллари билан учрашувларда ислохотнинг дастлабки босқичида эришилган ютуқларга тўхталди. Уларни мустақилликнинг қисқа — уч йили мобайнида амалга оширилган улкан ишлар, деяр баҳолади. Шунингдек, бу даврда юзага келган муаммоларни бартараф этиш борасида ортирилган таъриба ва саъодат, ислохотнинг кейинги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида гапирди.

Республикада раҳбари таъкидлаганидек, бу босқичдаги энг долзарб масала — мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштиришдир. Чунки хусусий мулк ишга муносабатини ўзгартирди, бозорни тўлдиради ва халқ турмушини фаровонлашувида етакчи омили бўлади. Таассуфки, шўро замонида юритилган иқтисодий сисват таъсирида одамлар ишчанлик, мулкка ҳўжалик ҳиссини деярли унутган, давлатга қарам бўлиб яшашга ўрганиб қолган эди. Энди ер эгаси ҳам ўзини ҳақиқий ҳўжайин деб ҳис этмоғи лозим. Аммо, жойлардаги мулоқот шўни кўрсатдики, ҳали парандор тугул, бригадир, раис, ҳатто айрим ҳокимлар ҳам етиштирилган ҳосилдан олинажак даромадининг, соф фойданинг мукамал ҳисобини билмайдилар. Ахир, бир қўлда қисиб-қисиб, бирини кетмон билан ишлайдиган замон алақачон келган. Мулк эгаси ўзига берилган эркинликдан, бозор иқтисодиётининг қонуни-қондаларидан хабардор бўлиши, ундан тўғри фойдалана билиши ва шу йўл билан ҳам ўзининг, ҳам халқимизнинг турмушини яхшилашга ҳисса қўймоғи даркор.

Президентимиз энди амалга ошириш зарур бўлган иккинчи энг муҳим масала — миллий валюта мавқени мустаҳкамлашдан иборат эканини таъкидлади. Миллий пули-мизни муомалага киритиш осон

кечмади, деди Ислом Каримов. Аммо, биз бу йўналишда ҳам ўзига хос йўлдан бордик — халқни қийнамай, ташвишу азобларга қўймай миллий валютани жорий этдик. Эндиги оғир ва масўлиятли вазифа — сўммиз қадрини ошириб, унинг мавқени жаҳон миқёсида эркин алмашадиган валюта даражасига кўтаришдир. Аммо, биз жойларда меҳнатқашларга ҳар хил баҳоаналар билан уларнинг пулларини вақтида бермасдан, шу йўл билан ўзбек сўмининг "қадрини ошириш"нинг, қимматлигининг олдин олинқоч бўлганлиги. Лекин бизнинг миллий пулимиз бундай сохта ҳимояга муҳтож эмас. Ачинарлики шундаки, бундай мутасаддилар нафақат ўзининг, балки ҳўкуматнинг ҳам халқ олдидаги эътиборига, эл ишончига раҳна етказди.

Ислом Каримов ислохотлар жараёнида тартиб-интизом муваффақиятларимиз гарови бўла оладиган муҳим жиҳатлардан бири эканини қайд этди. Хўсусан, республика раҳбариятининг четдаги "булбулгўё"лар демократияни бўғиш деяр баҳолаётган талабчанлиги натижада ўлароқ Тожикистонда юз берган қирғинбарот бу заминга қийинлашди. Халқ тинч меҳнат роҳатини кўрапти, мамлакатда жинсчилик қамайиб бормоқда. Коррупция — жамиятнинг ич-ичидан занглатадиган, охири-оқибатда ҳалоқатга дучор этадиган балолар. Афсуски, янги иқтисодий қонулар тўла қучга кирмаган, эскилар эса иш бермай қолган ана шу оралиқ вақтда бу жирканчи иш билан шўғулланувчи раҳбарлар ҳам учраб қолди, деди ўртоқошимиз. Агар ҳокимлар коррупцияга аралашса — кеңирилас хол, халқка, ватанга ҳимнатидир.

Ислом Каримов раҳбарларнинг жамиятимиздаги ўрни хусусида тўхталди. Шундай раҳбарлар борки, деди Президент, ўз мустақил фикри, шаклланган характери йўқ. Ҳоким — сисватчи, сисватчи эса қурашчан бўлимоғи керак. Бошқача айтганда, Ўзбекистонни буюк келажак сари бошлаётган қаровонбошлар ўз қаровон гамини ейдиган, оидин

йўлни кўра оладиган бўлимоқлари шарт!

Мамлакатимиз Президентининг водий бўйлаб бу гапни сафари кузги йиғин-терим мавсумига тўғри келди. Ислом Каримов, қайси вилоятда бўлмасин дала айланди, миришкорлар, агрономлар, механизаторлар билан суҳбатлашди. Далада гўзининг ҳамма қўсаги очилишини пойлаб кўзи очилик қилган деҳқон ёғин-сочини қуналарга қолади. Қимматли вақтини бой беради. Бир тонна биринчи сорт ва иккинчи сорт пахтанинг нарзи ўртасидаги тафовут 250-300 сўмини ташкил қилади. Демак, ҳар бир ёлғир пахтакорга неча пулга тушишини ҳисоблаб чиқиб қийин эмас. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят, туман ва ҳўжаликларни пахтанинг маълум бир навиға мослаштириш масаласи тўғри йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, жойнинг тупроғига, иқлимга мос нави экишни ундан самарали ҳосил олишнинг муҳим омилдир. Нави танлашда эса унинг кўп тала беришига асосий эътиборни қаратиш зарур. Қишлоқ ҳўжалиги экинларини алмашлаб экиш ҳам қониксарсиз

еримизда етиштириш анча арзонга тушади. Қолаверса, гапга бор жойда нон бор, чорва бор, демак, гўшт, сут, ёғ, жун — ҳамма нарсаси бор. Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган иқлими шароитида кечпишар пахта нави ўзини оқламайди, деди Президент. Шу боис пахтани октябрда йиғиб-териб олиб, бўшаган майдонларга гапга экинни йўлга қўйиш керак. Умуман, бундан кейин доннинг харид нарҳини кўтариш назарда тутилаётганини ҳисобга олиб, бошқоча дон майдонларини янада кенгайтириш, кузги гапга экинни вақтида тугаллаш муҳим вазифадир, деди таъкидлади Президент.

Республикада раҳбари сафар мобайнида айниқса халқимизнинг турмуш шароитида юз бераётган эътиборлар билан мулоқотда қорамоллар зотиини яхшилаш борасида ҳорижликлар таърибасидан фойдаланиш яхши самаралар беришини айтди. Нафақат вилоят, балки республика миёсисда бу соҳага алоҳида эътибор бериш лозимлигини, хўсусан, вилоятда янги наслчилик заводи бу-

монтаж ишлари уч баробар кўпайди. Икки ой мобайнида йиллик режанинг 30 фойизи миқдорда иш бажарилди. Мазкур автомобиль заводини 1996 йилнинг ноябрь ойида тўлиқ ишга тушириш мўйлабланган. Ушунда қорхона цехларидан йилга 140 минг автомобиль чиқа бошлайди. Президентимиз мутахассислар билан мулоқот чоғида завод цехларини энг замонавий ўқуналар билан жиҳозлаш: қорхонанинг экологик тозаллигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди.

— Ким ватан, миллат, истиқлол гурурини ҳис этмоқчи бўлса, Мингбулоқни келиб кўрсин, — деди Ислом Каримов Мингбулоқ нефть қонини штабда... — Тақдор ва тақдор айтмадики, Мингбулоқ халқимиз истиқлолини минг йиллар мобайнида таъминлаб туриш учун Оллоҳ ато этган муқаддас инъомидир.

Келажакда мамлакатимизнинг нефть мустиқлигини эриштиришда ушбу қонга юртбошимизнинг илоҳий нўмат сифатида қарши беҳиз эмас. Бир мисол: ишлаб турган 222-қудуқда бўганимизда, қудуқнинг рақамланмиш тарихига қаратилди. Маълум бўлдики, 1992 йилнинг 2 мартида ушбу қудуқдан чиқа бошлаган нефть 2 апрелда эндириб юборилган, 2 май кунин эса унинг ўқиришга муваффақ бўлинди. Қудуқдаги рақамнинг рақамий маъносини шунда экан. Ҳозирда бу қудуқдан бир кеча-кундузда бир неча юз тонна нефть олинимоқда. Эндиги мисолини бунидан-да қизик. Жаҳонда нефтьдан ўртача бензин ажратиб олиш даражаси 10-12 фойзини ташкил этади. Мингбулоқ нефтидан ҳам 10 фойиз бензин олиш мумкин. Бу факт иккинчидан, истиқлол нефти тарихидан жаҳонда энг нодир ва нобў ҳисобланган қимматбаҳо майдондан тортиб, ўзимизнинг одаий вазелингача ажратиб олинипти.

Ислом Каримов бурғиллаш ишлари нефть қатламга қийинлашиб қолган 8-қудуқда ҳам бўлди. Қонини ва муҳандислари билан суҳбатлашди. Қазиб олинмаган нефть миқдорини қўйиштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, мутахассис қадрлар маъласини ошириш, қон қудуқларидаги техник ҳижозларнинг сифати, ҳавф-хатарининг олдини олиш борасида қўрилган чоралар билан қизиди.

— Сафар чоғида шўнга амин бўлдимки, янги ҳавт қуришга қаратилган ислохот йўлимининг бешала тамоийли ҳам жойларда фуқаро оғинга сингмоқда, иқтисодий сисватимиз одамларга маъқул бўлмоқда, — деди Ислом Каримов. — Сўнгги уч йил ичиде давлатимизнинг ўзоқ мудатда ва буюк мақсадни кўзлаган мустақил ҳамда залворли сисватини яратди. Иқтисодий жиҳатдан мураккаб замонда яшаётганимизга қарамасдан одамларнинг чеҳрасида табассум ва хайрохлик ифодасини кўрдим. Бу — Фаргона водийси аҳли амалдаги сисвати тўла қўллаб-қувватлаётганидан дерак беради.

Асакада шундай улкан автомобил заводи қурилишини халқимиз иқтисодий қийинчиликларини бошдан кечираётган бир пайтда бошлаган эдик. Яқин фурсат ичиде бу қурилишни тугалаймиз ва, нишөөллоҳ, деярли ҳар бир хонадонда ватанимизда чиққан енгил машина хизматда бўлади. Аммо, халқимизнинг бойлиғи бу билан ўлчанмайди. Бизга бобоқалонларимиздан буюк гуру мерос қолган. Бу ҳам бир бойлик. Ўзгаришлар аста-секин буй кўрсатмоқда. Бугун шу заминда, шу оғиб остида тутилганимиз ва олдимизга қўйган мақсадларимизнинг улуғлигидан руҳланиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз ҳам дилимиздаги гуру ва масўлият тўғрисида, деди пировардида Президент.

Президентнинг Фаргона водийси бўйлаб сафарига унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат Маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош Вазир ўринбосари М. Усмонов, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ҳамроҳлик қилдилар.

Ғулом Мирзо

[УзА].

Суратларда: Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ водий меҳнатқашлари орасида.

А. ЗУФАРОВ суратлари.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

7 октябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуанни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ислом Каримов мамлакатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланаётганини, ўзаро ҳўрмат ва тенгликка асосланган бу алоқалар ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканини таъкидлади.

Жаноб Гуань Хэньгуан самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўзаро алоқаларнинг ривожланишига бундан буюн ҳам ҳисса қўйишини айтди.

[УзА]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА ЁШ ОЛИМЛАР ВА ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич! Республикаси равақи йўлида қилаётган ишларингиз ва биз — ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиздан миннатдорчиликимизни изҳор этиш мақсадида Сизга мурожаат қилимоқдамиз. Иқтисодий қийинчиликка қарамай, минглаб иқтидорли ёшларни таълим олиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун нуфузли хорижий олий ўқув юртиларига йўллаётганда Сиз, аввало, халқимиз ва Ватанимизнинг келажигини ўйлаб сисват қорғатганингизни биз — ёшлар учун ҳис этамиз. Халқ таълими ҳодимларининг маъшини оширилиш, олий таълим профессор-муаллимларининг иш ҳақини тартибга солиш тўғрисидаги фармон ҳам ёш авлодга қийинлаётган ғамхўрлик раъзибидир. Сизнинг раҳбарлигингизда иқтисодий ислохотлар изчиллик билан олиб борилаётгани, халқларимизнинг тотувлиги ва ўзаро ҳамжиҳатлиги чет эллар билан ҳамкорлигининг тобора ривожланиб бораётгани биз — ёшлар учун янги имкониятлар тўғдирмоқда. Навқирон авлодлар келажигини "Соғлом авлод учун" ордени, республика Давлат мукофоти таъсис этилгани, иқтидорли ёшларни руҳлантриш мақсадида "Истеъдод", "Улуғбек" жамғармалари тузилиши энимиздаги масўлиятини янада оширади. Сиз кўрсатаётган ғамхўрлигини биз ҳар қадарда ҳис қилиб турибмиз.

Олий Кенгашининг XVI сессиясида Сиз бизнинг энимиздаги вазифаларини ҳам аниқ белгилаб бердингиз. Маърифат ва илмий оғ қамолоти йўлида узвий ривазат кечиб бизнинг бурчимиздир. Зеро, биз алғабиринч отаси ал-Хоразмийнинг, ҳақимлар ҳақими ибн Синонинг, жаҳонгирлар жаҳонгир Амир Темурнинг, авлиёлар авлиёи Баҳауддиннинг набираларимиз. Уларнинг таваққур энеси ҳамон ишонати йўлини еритиб турган экан, бундан ифтихор қиламиз, шу буюк аждодлар тупроғини кўзга суртган ана Ватанга муноиб фарзанд бўламиз. Истиқлол ишига қамбарбастамиз. Ўзбекистоннинг буюк келажигига агар бизнинг ҳам меҳнатимиз оғинса, бундан ортиқ саводат йўқдир. "Бугунги қийинчиликларингиз енгиласи жонини тикан, иродаси мустаҳкам бўлган ёш авлодга таъминлаш, уларга ҳаётда ҳар томонлама йўл очиб беришга тайёризмиз. Шундай одамлар билангина мақсадимизга етамиз", — деган ишонч биз учун қанотдир. Она Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ҳалоқ ўташга бор қуч-ғайратимизни сарфлашга тайёризмиз.

Истиқлол, ҳалқларимизнинг эрки ва осийшталлиги; Ватан саодати бевосита Сизнинг фойлигингиз, бугунги эзгу сисват билан чамбарнас боллиқ эканлигини дунё аҳли кўриб турибди. Шу муқаддас тўйғу барча-барчамизни Сизнинг атрофингизда жинслаштириш, қўлғу яратувчилик ишига даъват этади.

Тошкент Давлат техника университетиде бўлиб ўткан ёш олимлар ва иқтидорли талабалар йиғилиши қатнашчилари
1994 йилнинг 1 октябри.

Олий таълим: изланиш йўлларида ЛОЧИНЛАР ТЕМИРҚАНОТ БЎЛАДИ

Мустиқил Ўзбекистон келажиги ёшлар қўлида. Уларнинг қанчалик эзюк ва билимдон бўлишлари кўпроқ бугуннинг талабига боғлиқ. Республикадаги энг эътиборли илм масканларидан бири саналадиган Бериуний номидаги Тошкент Техника Университетиде бу борода талай иқбодий ишлар амалга оширилляпти. Бугун минглаб талабаларга 84 фан доктори, 700 га яқин фан номзоди, профессор-ўқитувчилар таълим бермоқда.

Университет қошида республика иқтидорли болалар лицей-интернати, қизлар коллежи, техника коллежи фаолият кўрсатляпти. 1994 йилдан бошлаб республикада биринчи бўлиб иш бошлаган муҳандис-тахлилчи гуруҳда иқтидорли талабалар таълим олади. Уларнинг ўқув программалари инглиз тилида олиб борилади. Ўқув даргоҳида қабул қилинган потонали ўқитиш дастури ўзининг иқбодий натижаларини берапти. Тахсилгоҳда доимий равишда илмий семинарлар, ёш олимлар, иқтидорли талабалар билан илмий анжуманлар ўтказилиб турилади. Бир қатор профессор, аспирантларнинг чет элларга чиқишлари алоқини мустиқамлашга ёрдам бермоқда.

Яқинда университет ҳаётида яна бир янгилик бўлди: Малайзиянинг "Reneu" фирмаси билан ҳамкорликда қўшма бизнес мактаби очилди. Бу бизнес мактабиде ўқиб ва ўқитиш жаҳон талабалари асосида, дераслар инглиз тилида олиб борилади.

Мустиқил Ўзбекистонимиз илм масканларига суюнган экан, бу ишончин ёшлар ва ёш мураббийлар оқлашга ҳаракат қилишди.

К. НОРҚУЛОВА,
ТДТУ аспирантура ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи.



ДИҚҚАТ: КИМОШДИ САВДОСИ!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йилнинг 10 октябрида "Наврўз" савдо-ишлаб чиқариш комплексида (Фурқат кўчаси, 5-уй) Мухаммад Тарағай Улугбекнинг 600 йиллик юбилейи шарафига чиқарилган юбилей тангалари ва медаллари қимматли савдосини ўтказди.

Медал ва тангалар чекланган миқдорда чиқарилад бўлиб, нумизматик қимматга эгадир.

Тангалар ва медаллар эркин муомаладаги валютотга сотилад.

Кимошди савдосида қатнашишга Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатлар элчихоналарининг ҳамда чет эл фирмаларининг вакиллари, шу-нингдек, хўсусий шахслар тақлиф этилади.

Маълумотларини соат 10.00 дан 13.00 гача 33-68-29, 32-77-04 телефонлари орқали олиш мумкин.



аҳволда. Водийнинг олтин еридан кўп ҳолларда унумли фойдаланилмаяпти. Биргина мисол: экиндан бўшаган майдонларга маккажўхори экавериш ерни чарчатмоқда. Чунки маккажўхори тупроқнинг ширасини сўриб олади, натижада кейинги экиннинг ҳосилдорлиғи 10-20 фоз пасайиб кетиши мумкин.

Ислом Каримов миришкорлар, ҳокимлар эътиборини ғаллачиликни қучайтириш масаласига ҳам қаратди. Республикаимизнинг ғалла мустиқлигини эриштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Донни четдан ташиб келтирилгандан кўра уни ўз

берилмаётир. 5 минг аҳоли истиқомат қиладиган Мирзо Улугбек номидаги жамоа ҳўжалигида на маъшини хизмат уйи ва на қўнғилдагидек сартароҳона бор.


Фаргона водийсининг ўзига хос муаммоларидан бири — минтақада аҳоли зичлиғи ҳамда экин майдонининг қамлигидир. Шундай экан, цехлар, кичик қорхоналар барпо этиш билан қийоаланиб қолмай, маъшини хизмат соҳасига ҳам одамларни жалб этиш зарур. Шунда қўшмачи иш ўринлари юзага келадилар, халқнинг турмуши ҳам енгиллашади. Илгор давлатларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида аҳолининг атиги 7-8 фозини меҳнат қилади, аммо шу озчилик

нед этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида Фаргона вилоятининг ўрикзор боллар билан қўралган Чимён қишлоғидаги паррандачилик агрофирмасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда уч йил муқаддам маҳаллий паррандабоқарларимиз билан исроиллик мутахассислар ҳамкорлигида Голландиянинг "Оқ хайбрид" қурқа зотиини парвартириш йўлга қўйилган эди. Бугунги кунга келиб, бу ерда етиштирилган парҳез гўшт маҳсулотлари агрофирмаининг ундан ортиқ дўконларида сотилмоқда. Хорижий ҳамкор — Исроилнинг "МАД" фирмаси президенти Ави Поюрский Ислом Каримов билан мулоқотда айтишча, у мутасадди бўлган фирма вакиллари жаҳоннинг нуфузли мамлакатларида, хўсусан, Испанияда ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу парранда тури сергўштиги билан ақралиб туради. Яхшилаб боқилган қурқа 30 килогача гўшт бериши мумкин. Бу қурқа зоти соф гўшти миқдори энг кўп — 72 фоз бўлгани учун ҳам жаҳон миқёсида катта шухрат қозонмоқда.

Ислом Каримов сафар чоғида Асака шаҳридаги "Ўздў" Ўзбекистон Жанубий Корея қўшма автомобил қорхонаси қурилишининг бориши билан танишди. Ушбу зарбдор қурилишда шу кеча-кундузда икки минг нафар ишчи ҳамда 370 муҳандис-техник ҳодим меҳнат қилмоқда. Қурилиш Асакадаги 10-қўшма меҳанизмлашган колонна бош пудратчи ҳисобланади. Август-сентябрь ойларида қурилиш-

нед этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.



Азиз ТЎРАЕВ,
Қодирий номли
авлат маданият
титутти ректори.

«А» «Я»

Шундайлар бор бўлсин

БУНЧАЛАР БУЮКСАН ВАФО ШЕВАСИ...

Аввал доим сен келтирардинг,
Энди бўлса мен эгтаман гул.

Зулфия
ҲАР ГАЛ УНГА кўзим тушганида бир ҳажсон сезаман. Хумор — менинг синфдошим. Ҳатто ҳозир ҳам бир мактабда, бир жамоада ишлаймиз.

Болалик ва ўсмирлик давларимизнинг шўх-шаддо, суровли онлари ўн йил бир синфда ўтган. Ҳозир унинг нуруний чехраси менга бўлачка таъсир қилади. Кеча уни йўлакда учратиб қолдим.

— Қаёқдан келасиз?
У бошини кўтариб қаради. Кўзларида чуқур мунг кўрдим. Биламан, у кишлоқ чеккасидаги «Гойиб ота» қабристонидан келаяпти. Ҳар шанба ишдан кейин шу ҳол. Йигирма тўққиз йилдан бери...

Севимли «муаллимжон» — турмуш ўртини шундай деб атар эди,нинг қабрига сарин гуллар қўйиб келаяпти.

...1955 йилнинг сентябри. Бухоро давлат педагогика институтини тамомлаган кўшни кишлоқлик Михли Элмуродов мактабимизга ўқитувчи бўлиб келди.

Куч-гайрати тўлиб-тошган, соддалик спортчи йигит мактабни тўлдириб юборгандек туюлди бизга.

У болаларга жўшиб математикадан дарс беради, шоғирдларига фан сирларини тўлдирганиб ўргатиш билан бирга, буш вақтларида уларни спорт ўйинларига жалб этарди. Хумор уни кўрганида... Ниҳоят, улар турмуш қуришди.

1957 йили уларнинг биринчи фарзанди — Замира туғилди. Тақдирнинг машум зарбаси қачон бошимизда синиқини билмайди. Бир кун дава кезиб, кечқурун, Михли уйга ҳолсизланиб қайтди. Эртасига иситмаси кўтарилиб кетди. Хумор қаттиқ изтиробда тушди. Куйди-пишди, бошида парвона бўлди. Ош-сув тўтди. Бўлмади. Касалнинг аҳволи оғирлашар, иситмаси ошиб борарди.

1958 йилнинг 3 октябрида ешгина ўқитувчи Михли Элмуродов онаси ва қизчасини Хуморга қолдириб, ҳаёт билан видолашди.

Хуморнинг бошига тушган мусибат ниҳоятсиз эди. Уни ҳеч ким, ҳеч нарса овутолмади. Унинг учун ҳаёт гўе ўз мазмунини бутунлай йўқотган, кўнгли уйи хувилаб қолган эди.

Ҳаёт. Бу шундай ҳикмати, у ҳар нарсани ўзгартиришга қодир. Йўқни бор қилиш ҳам, бори йўқ қилиш ҳам фақат унинг қўлида. Ана шу ҳаёт ўз кучини Хуморга ҳам кўрсата бошлади.

1958 йилнинг 28 декабрида толе Хуморга қулиб боқди. Михли акасидан қолган гумонаси — Ўринбой дунёга келди.

Хуморнинг хувилаб қолган кўнгли сал тўлғандай бўлди. «Михли акамдан, мана, ўринбосар қолган экан, ўрни тўлиб кетар», — деб юпата бошлади у ўзини. Қизини, ўғилчасини оқ ювиб, оқ тарали. Айлаиб, ўргилиб парвона бўлди. Бутун меҳрини қайн онасию, икки боласига берди. Лекин барибир унинг кентик кўнглига нимадир етишмасди. У ўзини меҳнатга урди, далага чиқиб ишлай бошлади.

Барибир сеvimли Михли акаси унинг хаёлидан бир пас нари кетмас, «нима қилсам унинг хотиротини абадий сақларканман, нима қилишим керак», деб қийнард у ўзини-ўзи.

Ҳар кеч Михли аканинг портрети билан ўзоқ сўзлашар, бутун гўссаларини ўз муҳаббати оловида қорилиб, йўқ қилиб ташламоқчи бўларди у.

— Ҳа, — деди Хумор бир кун ака шундай хаёлий сўхбатларнинг бирида, — ҳа, топдим, — ўқитувчи бўламан. Ўқишга бориб, муаллим бўлиб келаман. Эзгу ишингизни давом эттираман.

Худди шундай бўлди ҳам. ХУМОР 1959 йилда Михли ўқиган Бухоро педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси факультетига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тамомлаб, 1963 йили сеvimли Михли акаси ўз фаолиятини бошлаган даргоҳга ўқитувчи сифатида кириб келди. Унга мактабнинг бошланғич 2-синфини ўқитишни тасвися этилди. Хумор енг шимариб ишга киришди.

Узининг 24 йиллик ўқитувчилик фаолияти даврида

у мактабда ажойиб ишларни амалга оширди. Иш фаолияти даврида бирор йил, бирор ўқувчи унинг синфда ўзлаштирилмай қолган эмас. Ҳар доим тўлиқ ўзлаштиришга эришиш унинг шiori ҳамда иш кўрсаткичи айлланиб кетган. Хумор ўз фаолиятида доимо ангилликка интилади. Педагогика ютуқларини ўз ишида моҳирона қўллайди. Ҳар бир дарсни ислохот талаблари асосида, юксак савияда ўтказарди. Кўргазма унинг дарслари учун бош мезон. Дарсларида тарқатма материаллар, кўргазмалар, дидактик материаллар, техника воситаларидан моҳирона фойдаланади. Унинг синф-кабинети кўргазма ва ўқув қуролларининг ўзига хос музейга айланган. Унда ўқитувчи фильмоскоп, эпидиаскоп, радио, телевизор, магнитофон сингари турли воситаларини, мингдан ортқ турли суратлар, плакат ва диаграммаларни, тарқатма материалларни жамлаган.

Бундай бой моддий база, ундан моҳирона фойдаланиш, шубҳасиз ўқитувчи фаолиятида катта ютуқларга олиб келмоқда. Унинг синфда доимо ҳамма нарса саранжом-сариста. Ҳар бир китоб ўз «эга»сини, ҳар бир ўқувчи ўз китобини соғиниб туради. Ҳар бир ўқувчи ўстираётган туваклардаги онаки гулларни кўриб, синфга кирган кишининг бахри-дили очилиб кетади.

Катта қизи Замирани ҳам у ота қасби — ўқитувчиликка йўллаган. Ҳозир мактабда олий маълумотли рус тили ва адабиети ўқитувчиси. Меҳрибон волидаси билан бирга ишлайди. Ҳар кунини ўз севган мактабда, ўз меҳрибон онажониси билан ёнма-ён ишлаш, ундан чексиз мадда олиб туриш қандай бахт!

У камтарлик билан ўзи севган ишни давом эттиради. Мактабда қайнаб ишлайди. Аммо ҳар шанба ишдан кейин ўзининг энг сеvimли ва мўътабар кишини, икки йилгина ерқин фаолият кўрсатиб ҳаётдан кўз юмган ўқитувчи йигит Михли Элмуродов қабрига гул элтиб қўйишни қанда қилмайди. Бу йигирма тўққиз йилдан бери

такрорланиб келаяпти...

Ҳикоямиз қаҳрамони — Навбахор туманидаги Қори Ниёзий номи 3-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси



Хумор Рўзикуловадир. Ҳатто зео-эйнатни юлқиб эида, Бир ҳайкал қўйингиз, бамисли хаёл. Шундайлар бўлмаса агар дунёда, Бунчалик муҳтарам бўлмасди аёл.

Килич ТЕМИРОВ.

ХИРОСИМА МАЙДОНЛАРИДА...

Япония спорт майдонларидаги кизгин мусобақалар шу кунларда кўпчилигининг диққат марказида турибди. XII—Осие ўйинлари бошланганига бутун бир ҳафта бўлган эсада, кўплаб шов-шув, бир неча Осие ва Жаҳон рекордлари янгиланишига эришилди. Юксак ташкилотчилик руҳида ўтаётган баҳсларда Ўзбекистоннинг еш жамоаси ҳам муносиб катнашиб келмоқда. Хусусан, ҳамюртларимизнинг иштироки ҳақида кунчиқар мамлакатнинг энг нуфузли гаветалари саҳифаларидан, энг йирик телеканаллари эса эфир вақтидан салмоқли ўринлар ажратиб келишяпти. Жамоамиз шатинга айтаётган илқ гаплар, мухлислар меҳрини қозонишгани бизга ҳам гурур ва ифтихор бахш этади, албатта.

ФУТБОЛ. Миллий терма жамоамиз ўз гуруҳларида якка пешқадамликни мустахкамлаб олдилар. Саудия Арабистонини (4:1), Малайзияни (5:0) мағлубиятга уратган ҳамюртларимиз учинчи ўйинда Гонконг жамоасидан ҳам 1:0 ҳисобида устун келишди. Олти очко жамлаган йигитларимиз мuddатидан олдин чорак финал ўйинларига йўлланмалик бўлишди.

XII — Осие ўйинлари						
	Ў	Ю	Д	М	Т—Н	О
Ўзбекистон	3	3	0	0	10—1	9
Саудия						
Арабистони	2	1	0	1	5—6	3
Гонконг	3	1	0	2	5—3	3
Малайзия	2	1	0	1	4—8	3
Таиланд	2	0	0	2	3—6	0

Х Х Х
Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам кизгин баҳслар давом этаёпти. Мамлакатимиз ҳисобига биринчи бўлиб соврин тақдим этган Грингорий Пуляев спортнинг юнон-рум кураш тури бўйича кумуш, медални қўлга киритди.

Суэши мусобақаларида О. Цветковский, А. Агафоновлар 200 метрли масофага сузишнинг финал қисмига йўлланма олишди.

Боксчиларимиз Ҳикматида Ахмедов ва И. Бердиевлар дастлабки баҳсларда рақибларидан устун келишди.

Жамоа ҳисобида финалга йўлланма олган О. Чусовитина ва А. Дюкунзянлар спорт-гимнастикаси спорт тури бўйича Хитой жамоасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб туришди.

Теннисчиларимиз Олег Огородов билан Дмитрий Томашевчи индонезиялик теннисчиларга ютқазиб қўйишди.

Х Х Х
Мусобақаларнинг энг ҳаяжонли дақиқалари энди паллага кирмоқда. 16 октябргача давом этаётган мусобақалар хали бизга олам-олам шодлиқлар ҳада этади, деб умид қилиб қоламиз.

Н. МАХМУДОВ,
«Туркистон» мухбири.

Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган...

ҚУВУР ТОРТИБ КЕТДИ
Омск вилоятида қувур ўтказгичлардан бири таъмирлаётган пайтда камдан-кам бўлганлиги ҳодиса содир бўлди. Пайвандловчи-монтажчи қувурнинг бир бўлагини кесди-ю, ҳавонинг кучли босими уни қувур ўтказгичнинг ичига тортиб кетди ва қувурнинг деворига епиштириб қўйди. Ҳамкасб дўстлари 15 дақиқа мобайнида уриниб, темирдан ажратиб олишга муваффақ бўлишмади. Қувурни унинг жасади билан бирга кесиб олишга тўғри келди. Бу ҳақда Омскда чиқадиган «Ореол экспресс» газетаси хикоя қилган.

СКРИПКА ВАБОНИ ДАВОЛАЙДИ
Ҳамага маълумки, юракни сел қилувчи чолгу асбобларининг моҳир ижрочилари Паганини, Ойстрах, Ростропович ва бошқалар ҳеч қачон вабога чалинган эмаслар. Москвадаги ошқозон-ичак илимий-текшириш институти тадқиқотчилари маъмур муаммо билан кизикиб қолдилар. Масалан, Паганини «Кампанелла»ни уч соат давомида чалганда назорат пробиркаларидаги вибрионларнинг (вергүл шаклидаги бактерияларнинг) тўксон фонзи ҳалок бўлганлигини аниқлашди! Ҳозир институт мутахассислари Моцарт, Сальери ва Шчедрин асарларидан вабога қарши дастлабки пластинкани езиб олдилар. Улар пластинкани кўнуга уч мартаба эшитсангиз, сиз вабо касалига чалинишдан қафолатланган бўласиз, деб ишонтирмоқдалар. Ҳатто қўлни ювиш ҳам шарт эмас.

ДУМА УЧУН МАХСУС НАЗОРАТ
Россия Федерацияси Давлат думаси раиси Иван Рибкиннинг сўзларига қараганда, парламентнинг қундалик мажлисларига қуроланган кишилар катташмоқдалар. Гап шундаки, депутатларга жанговар курул олиб юришга ижозат берилган.

Бироқ, пойтахтда жинойи вазият кучайиб бораётганлиги муносабати билан, тўпончалар шахсий ҳавфсизликда эндиликда қафолат бўмай қолди. Ҳозир ташаббускор гуруҳ конун ишлаб чиқмоқда, ундан депутатта автомат қуролидан то қўл пулемётларигача эга бўлишга рухсат берилди. Улардан фойдаланиш учун фақат икки шарт белгиланган: биринчидан, пулемётлар Дума соқчилигида рўйхатдан ўтказилган, иккинчидан, мажлислар вақтида курул стол тагига яшириб қўйилган бўлиши зарур.

(«Труд» газетаси, 1994 йил, 1 октябрь).

Аждодлар мероси ЖАҲОН БУЮКЛАРИ ТИНГЛАГАН ҚЎШИҚ

• Бир қўшиқ борки...
• Оналар алла айтади.
• Фарзандлар қалбидеа меҳр бўлсин.

ДУНЁДА қўшиқлар кўп. Биринчидан гўзал, бири бирдан маътунок. Уларнинг майн оҳанглари тингловчилар қалбини сел қилиб, кўнглиларига таскин, ҳузур бағиш этади. Лекин, бир қўшиқ борки, у барчасидан музжизаскорроқ, барчасидан юксакдир. Не-не буюқларнинг илк бора кўз очиб, тинглаган қўшиғи — алла шундай қудрат, сеҳрга эгадир.

Алла нимаси билан бошқа қўшиқлардан фарқ қилади? Давфатан бу саволга жавоб бериш мушкул. Менимча, унинг фарқи тамоми шундаки, алланинг сўзига ҳам, оҳангига ҳам, ижросига ҳам бир зот доҳ, у онадир. Онанинг қалбидан сизиб чиққан алла нур инглиз гўдакнинг бутун вужудига қўйилади. Юз-қўлида шукроналик, қувонч бақийетган она дилбанданин маҳкам бағрига босганича аллага ўз меҳрини, қалб қўрини қўшаб қўйлади.

Алла айтган овуноқини, Опоққўз алла-ё, Кўчоғимда қувончм, Кўрар қўзим алла-ё.

Алладан ногўноҳ қадим оҳанглари учратсангиз, ҳайрон бўлманг. Оналар элнинг орзу-умидларини, дарду қувончларини сел бўлиб куйлайдилар. Фарзандлари қалбига Ватан меҳри, урт қадри қондек сингиганини истадилар. Кўнглида юрт севгиси бўлмаган инсон учун бу дунёда муқаддас нарса бўлмайди, Ватанга муҳаббат ота-онага, ана-укага, ола-сингилга бўлган меҳрдан, ўзи тугиллиб ўсган кишлоқ, ундаги арқ ва сойларга бўлган муҳаббатдан бошланади. Аллада эса шу тўғру худди мироддек энб туради.

Кўпича илмий даярларда алланинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гап кетса, дарров едимга болалик йилларини тўшади. Жимини энди танни бошлаган пайларим. Онам тун бўйи чақалоқ укамнинг бешигини тебратиб, майин бир товудга алла айтардилар. Сўзлари аниқ эсимда йўқ. Лекин мазмундада, уларнинг оғирлигини ёнгли, қўлларини узун, эл-порт олдида юзимизни бугу қилгин, яқини йироқ сен билан фарзлансин!

Унда КАЮМОВА, Тошкент Давлат Педагогика институти Мактабгача тарбия педагогикаси кафедраси ўқитувчиси.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- УЛУРБЕКНИНГ НАБИРАЛАРИ
- ГУЛМИ Ё
- ГУЛЧЕХРАЛАР...

Бир-биримизнинг қадримизга етаёلمизми!

• Пул азизми, инсон!
• Шундай инсонлар бор бўлсин

Мана, бепоян Ўзбекистонимиз бўйлаб Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллиги кенг ишонилган. Бу кўптуғ айём халқимиз тақдирини энг фазил кун, Ватан тарихида эса энг шонли сана сифатида қадрлидир. Чунки у бизга эркимизни, виждонимизни, одоб-ахлоқимизни, миллий урф-одатларимизни, жаҳон тан олган қадриятларимизни, исломий маданиятимизни, элтигимизни ва ўзбекчилигимизни қайтариб берди.

Лекин шундай бўлса-да, бир-биримизнинг қадримизга етаёلمизми? Бир-биримизни асраб-авайлашимизми? Узимиздан оқизларга меҳрибонлик кўрсатиши, зарур бўлганда оқдйгига ширин сўзимизни аямаямизми?

Ростини айтадиган бўлсак, инсоний қадр-қиммат, меҳр-шафқат, яхшилик ва муруват каби сўзларнинг таъкислиги сезилиб қолмоқда. Аниқсиз, бундай ахлоқий тушунарларнинг қамбеллигини шаҳарлараро

автотушларда кўпроқ учратишимиз мумкин. Сўзимнинг исботи сифатида яқинда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа мени баъзи-бир мулоҳазаларни ёзишга мажбур этди. Бу ҳодиса қундалик «Навой» — Тошкент» йўналиши бўйича катнайдиган автобусда рўй берди.

Автобус Навоидан йўлга чиқди. Ҳамма уриндиқлар банд. Йўл-йўлакай автобуснинг ўртапарти ҳам одамлар билан тўлди. Каттақўрғонга етганда яна йўловчилар чиқа бошлади. Мана шу ерда иккита қизчаси билан 35 ёшлар атрофидаги йигит ҳам автобусга минди. Иштихондан ўтгандан сўнг ҳайдовчилардан бири кира ҳақи йнга бошлади. Ҳайдовчи ҳалиги йигитга етганда ачка тортишиб қолди. У талаб қилар, йигит эса ортиқча пул йўқлигини айтди. Охири бўлмади шекилли, ҳайдовчи иккинчи шерининг олдида келдида, бир нималар деди. Улар автобусни тўхтатиб, йигитга «пулинг бўлмаса нега йўлга қансан!» дейишди-да, ундан шу ерда тушиб қолшини талаб қилишди. Шўрлик йигит хижолат чекканча қизларини етаклаб автобусдан туша бошлади.

Лекин шу пайт орқа ўриндиқлардан бирида ўтирган ўрта яшар бир одам, ҳа, ҳа,биер меҳрибон одам бўла-бўлақ қилиб қўйилган қадимлар уларнинг бозорини акаси қилди: сотиш учун чироқли қилиб ўраб қўйилган. Бир кишлоқимиздан ортқ курувчи меҳрибоннинг жиннат қидирув хизмати таркибда ташил этган наркомания ва наркомансига қарши кураш бўлимаси фаолиятидан бир шингил, холос.

Бўлимма шу йил апрель ойида ташкил этилган эди. Бироқ, шу қисқа мuddат ичидеа миллиция майори К. Рустамов раҳбарлик қилаётган бу бўлинима наркотик моддалар билан боғлиқ юзлаб жиноятини фоз этиди. «Заҳри қотил»ни ишлаб чиқарувчилар ва уни сотувчилардан ярим тоннадан ортқ мол тортиб олиниб, йўқ қилиб ташланди.

(ЎЗА мухбири).

Муштарий сўз сўрайди ИНСОННИНГ ҚАДРИ НЕЧА ПУЛ?..

узатди. Буни қарангки, патта қаҳкига элтиб 6 сўм етмаган экан. 6 сўм учун йигитни ерга уриш, ора йўлда қолдириш шартиндир! Наҳотки инсоннинг қадри 6 сўмлик бўлмасин! Самарқандда ҳалиги йигит автобусдан тушар экан, ҳайдовчига қарата: «Мен тенг йигит экансиз-ю, лекин йигитчиликни билмас экансиз», — деди. Ҳайдовчи эса унинг орқасидан махсусомуз тиржайиб қолди. Негадир

деди. Ҳайдовчи эса ҳужжат сўради. Киши ногиронлик гувоҳномасини унда униги қолдирганини айтди. Бунга жавобан ҳайдовчи: «Э, нима дейсан, акаҳон! Мана, бизнинг уйда ҳам хотин қолган, бола-чақа қолган», деб киришди. Вақолачки, ўша кишининг ногиронлиги ҳужжати ҳам қўруниб туради.

Шу ерда таҳминлаб ўтадиган бўлсак, соёқ СССР даврида қабул қилинган ногиронлар йўл ҳақидан

50 фоз чегирма қондасини кўриб чиқиб лозимдир. Негаки, у 15 октябрдан 15 майгача бўлган мuddатда берилган. Қолган мuddатда эса тўлиқ ҳақ олинад. Вақолачки 6 ой қиз давомида соғ одам уйдан чиқиб келмайди-ю, ногиронлар йўлда юрамдир. Шундай экан, балки бу мuddатини йил давомида, деб ўзгартириш керакдир.

Бугунги бозор иқтисодиёти оғир кеваетган ўтиш даврида олаётган мошминининг ҳисоб-китобли эканлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Яқинда бир отахон мағазасидан озёқ-овёқат маҳсулотини олиш учун томорқасидан ортирган пёзисни сотиб келаятгани ҳақида гапириб қолди. Шундай экан, мен ҳалиги йигитни ҳасилқисда еки қаттиқликда айбланмоқчи эмасман. Негаки, у ўзини 6 сўм учун уятга қўйиб, хижолат чекиб ўтирмасди. 6 сўм деда курашган ҳайдовчилар эса давлат қассасига эмас, балки ўзларининг қиссаси учун жон куйдиришгани аниқ. Чунки улар йўл нархини оғзини тўлдириб айтишса-да, бирорта ҳам одамга

Мен бу нарсаларни ёзар эканман, кимидир айбаш экан кимгадир таъна қилиш фикридан йироқман ақинча, бир-биримизни асраб авайлашимизни, меҳр-шафқатли бўлишимизни, меҳрибон-муруватли бўлишимизни истаёман.

Вақтинчалик кишиниқиллар ўтиб, ақш кунлар келаятгани сезилиб турибди, лекин инсон ҳаммиса инсон бўлиб қолиши керак. Чунки, бу фойи дунёда ундан фақат яхшиликларни бадарган савоб ишларига қолди. Ана шулар вазига одамлар уларни аслаб юрадилар, хотирлайдилар, ҳеч қачон унутмайдилар. Шундай экан, доимо яхшилик қилайлик.

Ахир, лозим бўлганда, жонини фидо қилишга тайёр турувчи Ҳотам Тои каби қаҳрамонлар бизнинг ривоятларимизда мадҳ этилганми?

Ушбу мулоҳазаларни тугатар эканман, юртимизнинг Ҳотам Тойларин, муруватли инсонларини, қолаверса ўша автобусдаги Меҳрибон одамдек зотлари кўп бўлишларини тилаб қоламан.

Қудрат ОЧИЛОВ,
журналист.

Бош муҳаррир Гаффор ҲОТАМОВ

Туркистон

TURKISTON

Таъсис этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШАР ИТТИҒОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан «Еш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар снётиси ҳамда фан ва ҳақ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, кишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий бешаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАЪИЛИЙИ

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтариламайди ва таҳлил этилмайди.